МЧЖ "XB FINANSE KONSULTING"

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

«УЙЧИ ПАХТА ТОЗЛАШ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2017 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Акциядорлик компанияси таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот
Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилоти.

Ўзбекистон Республикаси. Ташкент шахри, Миробод туман, А.Темур кўчаси 15 уй.
телефон: (8371) 233-02-10, 233-02-04.
email: XB.Finanse-konsulting@mail.ru
Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрсида гувохнома - № 1018. 11.05.2005 йилда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган.
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан "Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшириуви"ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серия АФ № 000676. 15.05. 2008 йилда берилган.
Хисоб рақами: 2020 8000 7044 0871 2001. АТ «Узсаноатқурилишбанк» Тошкент шахар хисоб китоб филиали, МФО: 00424, СТИР: 205 666 530, ХХТУТ 84400.
Аудиторлик ташкилоти директори: Эгамбердиев Зохиджон Зокирович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 22 декабрь куни берилган № 05171-сонли «Аудитор малака сертификати» га эга.

А удиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот

«Уйчи пахта тозлаш» акциядорлик жамияти

Наманган вилояти, Уйчитуман «Равот» шахарчаси,№1.
Телефон: 48-21-531
Жамиятни амалдаги низоми 2016 йил 22 октябр куни Уйчи туман Хокимлиги хузуридаги хужалик юритувчи субъектларни даврат руйхатидан утказиш инспекциясида №206 тартиб ракам билан руйхатдан утказилган.
Хисоб рақами Х/р 20210000100367921001 АТ «Агробанк», Уйчи булими, МФО: 00244 СТИР: 201296536, ХХТУТ: 17111.
Жамият бошқаруви раиси: Жамодддинов Ёркин
Молия ишлари буйича директори: Муйдинов Ихтиёр

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги *"XB FINANSE KONSULTING* аудиторлик ташкилоти директори, аудитори Эгамбердиев Зохиджон Зокирович, (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 2013 йил 22 декабрь куни берилган № 05171-сонли «Аудитор малака сертификати» эга) аудиторлик ташкилоти билан **«Уйчи пахта тозалаш» акциядорлик жамияти** ўртасида 20.01.2018 йилда тузилган 50/16 -сонли шартномага асосан ««**Уйчи пахта тозалаш» акциядорлик жамиятин**инг 01.01.2017 йилдан 31.12.2017 йилгача бўлган даври учун тузилган "Корхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот" – форма № 2, "Пул окимлари тўгрисидаги Хисобот" - 4-шакл, "Ўз сармояси тўгрисидаги Хисобот" - 5-шаклларидан иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **«Уйчи пахта тозалаш» пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **Уйчи пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг** 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари З.З.Эгамбердиев.

Хулоса тузилган сана: 25.04.2018 йил.